ЎЗБЕКИСТОНИМИЗГА ХУШ КЕЛИБСИЗ, АЗИЗ МЕҲМОН!

- **Бугун Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев Тошкентга келди**
- **Ташриф Ўзбекистон ва Қирғизистон халқлари ўртасидаги азалий дўстлик, қўшничилик ва ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади**

Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон ОВОЗИ

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Нархи 3 сўм.

1992 йил 29 сентябрь, сешанба № 191 (21.289).

Суратда: қабул пайти.

ИСЛОМ КАРИМОВ ФРАНЦИЯ МУДОФАА ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Франция Республикаси Мудофаа вазири жаноб Пьер Жоксни қабул қилди.

Пьер Жокс жаноблари Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг қўшни Тожикистонда содир бўлаётган воқеаларга нисбатан тутган позициясига ҳамда қонли тўқнашувларни тўхтатиш борасидаги саъйи-ҳаракатларига юқори баҳо берди. Сўнгра Ўзбекистондаги сиёсий ва иқтисодий вазият, раҳбарият олиб бораётган ташқи ва ҳарбий сиёсат билан қизиқди.

Ислом Каримов Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги ҳар томонлама фойдали ҳамкорликни аллақачон янги босқичга кўтариш вақти етгани ва бунинг учун мамлакатимизда барча ҳуқуқий асослар мавжудлигини гапириб берди. Президентимиз Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан бери ўтган бир йил ичида анча ишлар қилингани, жумладан, дунёдаги кўпгина етакчи компаниялар билан республикамизнинг бой табиий ресурсларини халқ фаровонлиги йўлида ўзлаштириш учун қўшма корхоналар тузилаётгани ва қонун йўли билан чет эллик сармоядорларга жуда кўп имтиёзлар берилгани тўғрисида сўзлади. Мустақил Ўзбекистоннинг илк Конституцияси умумхалқ муҳокамасига қўйилганини ва бунда Франция каби неча юз йиллик демократия тамойилларига эга бўлган мамлакатлар тажрибаси эътиборга олингани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Президент Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий сиёсат соҳасида ўзига хос йўл тутаётгани, хусусан, раҳбариятнинг айни вақтда коллектив хавфсизлик тарафдори эканлиги, чегара қўшинларининг Ўзбекистон тасарруфига ўтгани ҳақида тўхталди.

Ислом Каримов минтақада тинчлик ва сиёсий барқарорлик бўлишини иқтисодий ислоҳотлар ўтказишнинг ва бунинг учун чет эл сармояларини жалб қилишнинг энг зарурий шарти, деб айтди. Тожикистон ва Афғонистонда содир бўлаётган воқеаларда Ўрта Осиё Республикаларининг мустақиллигини, иқтисоди, ислоҳотлар ва демократик жамият қуриш сари дадил қадамларини ёқтирмаётган сиёсий гуруҳларнинг қўли борлигидан ташвишда эканини билдирди.

Вазир жаноблари ўз навбатида дунёдаги қонли тўқнашувларни тўхтатиш учун ўша минтақалардаги давлатлар ҳам БМТ билан ҳамкорликда иш олиб бориши зарур, деган фикрда эканини айтди ва Ислом Каримовга самимий ва ошкора суҳбати учун миннатдорчилик билдирди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Р. Аҳмедов ҳамда Франция Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Жан-Поль Везиан жаноблари ҳозир бўлдилар.

(ЎзА).

Қирғизистон Республикасининг Президенти АСҚАР АКАЕВ

Қирғизистон Республикасининг Президенти А. Акаев бошчилигидаги ҳукумат делегацияси 29 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасига расмий ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати ва халқи олий мартабали меҳмонни табриклайди ва унинг Ўзбекистон диёрида ўтказадиган кунлари муваффақиятли бўлишини тилайди.

Асқар Акаев 1944 йилнинг ноябрида Кемин районидаги Қизил байроқ қишлоғида колхозчи оиласида туғилди. Миллати—қирғиз.

Меҳнат фаолиятини 1961 йилда «Фрунземаш» заводида чилангарликдан бошлади. 1968 йилда Ленинграддаги аниқ механика ва оптика институтини битирганидан сўнг, шу институтда лаборант бўлиб ишлади, аспирантурада ўқиди, инженер бўлиб ишлади. 1972—1973 йилларда Фрунзе политехника институтида, сўнгра яна Ленинграддаги аниқ механика ва оптика институтида катта илмий ходим, катта ўқитувчи бўлиб ишлади. 1976 йилда республика пойтахтига қайтиб келиб, политехника институтида катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири бўлиб ишлади. 1986—1987 йилларда Қирғизистон Компартияси Марказий Комитети илм-фан ва ўқув юртлари бўлимининг мудири эди.

1987 йилда республика Фанлар академиясининг вице-президенти, 1989 йилда эса президенти этиб сайланди. Катта олим, техника фанлари доктори, профессор, Қирғизистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги Асқар Акаев янги илмий йўналиш — оптик ҳисоблаш техникаси асосчиларидан бири бўлиб, ҳисоблаш техникаси ва квант радиофизикаси назариясини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Унинг асарлари ҳамдўстлик ҳудудида ва ҳорижий мамлакатларда кенг эътироф этилди.

Асқар Акаев 1989 йилда СССР халқ депутати этиб сайланди, республика Олий Кенгашининг 1990 йил 27 октябрдаги навбатдан ташқари сессиясида у муқобиллик асосида Қирғизистон Республикаси Президенти этиб сайланди. 1991 йил 12 октябрдаги умумхалқ сайловида у Қирғизистон Республикасининг Президентлигига сайланди.

Асқар Акаев мўраккаб ўтиш даврида республикага бошчилик қилар экан, халққа раҳбар бўла олишини, республика халқининг манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўйишини ишонарли исботлаб берди. У қатъияти, келиша олиш маҳорати, амалий ҳаракатларда воқийликни ҳисобга олиши, ҳар қандай янгиликка қизиқиб қараши, янгича фикрлаши билан фарқ қилади. Зиёлилик, шахснинг қадр-қимматини ҳурмат қилиш унга хос хусусиятдир.

А. Акаев табиатан келажакка ишонч билан қарайдиган одам. У болаларни севади. Иккита қизи ва иккита ўғли бор. Рафиқаси Қирғизистон давлат университетида кафедра мудири бўлиб ишлайди.

Асқар Акаев давлат ва жамоат мукофотларига, жумладан, ҳорижий мукофотларга сазовор бўлган. Фанга, демократияни ривожлантиришга, халқлар ўртасида қардошлик муносабатларини мустаҳкамлашга ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга улкан ҳисса қўшганлиги учун бу йил у Лотин Америкаси бирлиги уюшмасининг Гранд Кросс (Катта Хоч) ордени билан тақдирланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 1992 ЙИЛ 25 АВГУСТДАГИ ФАРМОНИ АМАЛ ҚИЛИШИНИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР, ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ БОШЛИҚЛАРИ ВА ОДДИЙ ХОДИМЛАР ТАРКИБИДАН БЎЛГАН ПЕНСИОНЕРЛАРГА ТАТБИҚ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ҳарбий хизматчилар, ички ишлар органларининг бошлиқлар ва оддий ходимлар таркибидан бўлган пенсионерларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «1992 йил 1 сентябрдан нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет ҳисобидаги ташкилотлар ходимларининг иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида» 1992 йил 25 августдаги Фармони 1-бандининг амал қилиши офицерлар таркибидан, прапорщиклардан, мичманлардан ва муддатдан ташқари хизмат ҳарбий хизматчиларидан, ички ишлар органларининг бошлиқлари ва оддий ходимлар таркибидан бўлган пенсионерларга, шунингдек, уларнинг боқувчисини йўқотганлиги туфайли пенсия олувчи оилаларга татбиқ этилсин.

Юқорида кўрсатилган шахсларнинг тоифалари учун пенсияларни қайта ҳисоблаб чиқиш 1992 йил 1 сентябрдаги ҳолат бўйича ҳарбий хизматчилар тегишли тоифаларининг, бошлиқлар ва оддий ходимлар таркибининг пул даромадларининг ўртача даражасидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, бундан кейин ушбу Фармоннинг 1-бандида кўрсатилган шахсларнинг пенсияларини қайта ҳисоблаб чиқиш, ҳарбий хизматчиларнинг, ички ишлар органларининг хизматдаги бошлиқлар ва оддий ходимлар таркибидаги шахслар пул даромадларининг ўзгаришига мувофиқ равишда вақти-вақти билан амалга ошириб борилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1992 йил 28 сентябрь.

САМИМИЙ ҚУТЛОВ

ҚОЗОҚЛАРНИНГ ЖАҲОН ҚУРУЛТОЙИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз қозоқ дўстларимиз, биродарларимиз ва опа-сингилларимиз!

Қозоқларнинг жаҳон қурултойини чин қалбдан қутлайман. Жон қўшни халқларимиз, қардош халқларимиз тарихи, маданияти, миллий анъаналари, урф-одатлари ва тили умумий илдизларга эга. Бизларнинг динимиз ҳам бир. Аждодларимиз минг йиллар мобайнида бир-бирларининг қувонч ва қайғуларига шерик бўлиб келдилар.

Давлатларимиз мустақиллик йўлига ўтиб олган бугунги кунда бу алоқалар, бундай яқинлик ҳозирги қийинчиликларни енгиб ўтишимизда ёрдам бермоқда. Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида шартнома тузилгани бунинг ёрқин далилидир. Бу ҳужжат халқларимизнинг анъанавий зиёратгоҳи — Шарқнинг буюк алломаси Хўжа Ахмад Яссавий мақбараси жойлашган Туркистон шаҳрида имзолангани чуқур рамзий маънога эга.

Ўзбекистонда бир миллионга яқин қозоқлар яшайди. Ўз тили, маданияти, анъаналари ҳамда урф-одатларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун уларга барча шарт-шароитлар яратилган. Қозоқ миллий маданий маркази фаол ишлаб турибди, қозоқ тилида республика «Достиқ туи» газетаси чиқарилмоқда, теле ва радиопрограммалар берилмоқда, Ўзбекистон мактаблари ва олий ўқув юртларида қозоқ аҳолисининг вакиллари ўз фарзандларини она тилида ўқитиш имкониятига эгадирлар.

Қозоқ миллатига мансуб мутахассислар давлат бошқарувида, ижодий ва илмий муассасаларда самарали ва салмоқли фаолият кўрсатмоқдалар.

Биз ҳамкорлик ва тараққиёт йўлида халқларимиз ўртасидаги қардошлик алоқалари ва дўстликни мустаҳкамлашга бутун чоралар билан кўмаклашаверамиз.

Қурултой ишига муваффақият, унинг ҳар бир қатнашчисига эса сиҳат-саломатлик, инсоний бахт, олижаноб фаолиятида янги ютуқлар тилашга ижозат бергайсиз.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

МУДОФАА ВАЗИРЛИГИДА СУҲБАТ

28 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, генерал-лейтенант Р. У. Аҳмедов Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Франция Республикасининг мудофаа вазири П. Жокс жанобларини қабул қилди.

Мудофаа вазирлари ўртасидаги суҳбат дўстона вазиятда ўтди.

Суҳбатда Франция Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Жан-Поль Везиан жаноблари, Франция Мудофаа вазирлиги ҳарбий маҳкамасининг бошлиғи, бригада генерали Ж. Ранну қатнашдилар.

(ЎзА).

ШАРОФ РАШИДОВ ЮБИЛЕЙ КОМИССИЯСИДА

● 26 сентябрь куни атоқли адиб, давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллиги муносабати билан тузилган ҳукумат комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков бошчилигида ўтган бу мажлисда юбилейга тааллуқли кўпгина масалалар муҳокама этилди.

Мажлисда юбилей билан алоқадор қурилишларнинг бориши тўғрисидаги ахборот тингланди. Қашқадарё вилоят ҳокимлигининг Таллимаржон ГРЭСига, Хоразм вилоят ҳокимлигининг Хонқа районидаги «Ленинград» давлат хўжалигига, Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигининг Андижон сув омборига Шароф Рашидов номини бериш тўғрисидаги таклифлари кўриб чиқилди.

Шароф Рашидов таваллуд топган Жиззах шаҳри ҳамда пойтахтимиз — Тошкентда юбилейга тайёргарлик ишларининг бориши хусусида Жиззах вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Ў. Олимов ва Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков ахборот беришди. Бундан ташқари, юбилей комиссиясида маданий-маърифий ҳамда маънавий қадриятларни асраб-авайлаш мақсадида тузилган Шароф Рашидов жамғармасини янада мустаҳкамлашга келишиб олинди.

Юбилей комиссиясининг қарорига кўра, Қашқадарё ва Хоразм вилояти ҳокимликлари ҳамда республика Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигининг таклифлари инобатга олиниб, юқорида зикр этилган жойларга Ш. Рашидов номини бериш маъқулланди.

Ш. Рашидов дастлаб дафн этилган жойда унинг бюсти ўрнатилиб, бу ер Шароф Рашидов ҳиёбони деб аталадиган бўлди. Я. Шапиров яратган бу ёдгорликнинг ўзига хос жиҳати шуки, унда Шароф Рашидов миллий тўнда тасвир этилган. Юбилей тантаналари 5 ноябрь куни Тошкентда ана шу бюстнинг очилишига бағишланган митинг билан бошланиб, эртаси куни Жиззахда катта халқ сайли билан якунланади.

Ҳукумат комиссияси Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағишланган тантаналар билан боғлиқ яна кўпгина масалаларни кўриб чиқди.

Шароф Рашидов юбилей комиссияси навбатдаги мажлисни 16 октябрь куни Жиззах шаҳрида ўтказишга қарор қилди.

А. АЗИМОВ, ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИГА

Бугун — Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик хизмати ходимларининг касб байрами. Бир йил мукаддам тузилган бу хизмат дастлабки кунлардан бошлабоқ янги мустақил Ўзбекистонни барпо этишнинг мураккаб жараёнларига фаол қўшилиб, унинг давлат манфаатларини, конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини ва чегаралари дахлсизлигини ҳимоя қилишни ўз зиммасига олди.

Республика раҳбарияти миллий хавфсизлик хизмати ходимларининг ишини юксак баҳолаб, хизмат ходимларини, унинг барча фахрийларини касб байрами билан табриклайди. Сизларга тинчлик ва омон-эсонлик, мустақил Ўзбекистон Республикасининг фаровонлиги ва равнақи йўлидаги ишингизда янгиянги муваффақиятлар тилаб билдирган истакларимизни қабул этгайсиз.

Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз дўстлар!

И. КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикасининг ПРЕЗИДЕНТИ.

1992 йил, 26 сентябрь, Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ СИЁСИЙ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИДА

28 сентябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмининг навбатдан ташқари мажлиси бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасини жумҳурият партия ташкилотларида кенг муҳокама қилишни ташкил этиш тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби М. М. Расулов шу масала юзасидан ахборот берди.

Сиёсий ижроия қўмитаси Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасини кенг муҳокама қилишни ташкил этиш юзасидан амалга оширадиган тадбирлари режасини тасдиқлади.

Муҳокама этилган масала бўйича қабул қилинган қарорда Ўзбекистон ХДПнинг Қорақалпоғистон Республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларига, Марказий Кенгаш котибларига ва бўлимларига партиянинг барча кенгашлари ва ташкилотларида, аҳолининг турли қатламлари орасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасини кенг муҳокама қилишни ташкил этиш вазифаси юклатилди.

Конституция лойиҳасини муҳокама қилишни уюштириш, шунингдек, конституциявий қурилишнинг сиёсий-ҳуқуқий масалаларини аҳолига тушунтиришда маҳаллий партия ташкилотларига ёрдам бериш мақсадида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзолари, партия ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар, жамоатчилик вакилларидан иборат тарғибот гуруҳлари тузилиб, жойларга юборилади. Мазкур гуруҳларнинг таркиби ҳам тасдиқланди.

Конституция лойиҳасини муҳокама қилиш юзасидан ўтказиладиган партия ташкилотлари йиғилишларида, маҳаллий партия кенгашлари пленумларида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва Сиёсий ижроқўм аъзолари, шунингдек, Республика Олий Кенгашидаги ХДП аъзоси бўлмиш депутатлар партия гуруҳининг аъзолари иштирок этишлари мақсадга мувофиқ деб топилди.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририятларига Конституция лойиҳасининг партия ташкилотларида, аҳоли орасида муҳокамаси қандай бораётганлигини газета саҳифаларида кенг ёритиш, партия аъзолари, фуқароларнинг фикр-мулоҳаза, таклиф ва истаклари билдирилган мақолаларни изчил бериб бориш топширилди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши матбуот маркази

Конституция лойиҳасига оид мулоҳазалар, таклифлар ва истакларни қуйидаги манзилга юбориш мумкин:
Тошкент шаҳри, 700029, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 9-уй. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ишчи гуруҳига.
Телефонлар: 395-403, 338-107.

РАШИДОВ САБОҚЛАРИ

БУТУН онгли ҳаётим Мирзачўл ва унинг гуллаб-яшнаш жараёнлари билан боғлиқ. Умрим-ёшим баробарида асрий қақроқ маскан ҳозирги қиёфасини касб этди. Бу ишларнинг бошида Шароф Рашидовнинг шахсан ўзлари турганлигини эса одамлар яхши билишади. Ўша жойларда ташкил этилган туман ва хўжаликлар ҳозир у кишининг муборак номлари билан аталгани ғоят тўғри ва қонунийлиги ҳеч кимда шубҳа уйғотмади. Уйғотмайди ҳам, Бу ҳам аслида қадрият. Бу ҳам аслида ўзликка қайтишдир! Миллий камолотнинг ўзига хос босқичи бўлмиш Мирзачўл ободлиги Ўзбекистоннинг дунё мавқеига ҳам асос бўлгандайин эди.

Ёлғиз Фидель Кастрони эслашнинг ўзи кифоя. Рости, Мирзачўл ўзига хос дунёвий тажриба мактаби эди, Жаҳоннинг қайси бурчагидан бу маконга меҳмонлар, вакиллар тажриба алмашиш учун келмади, дейсиз? Боз устига худди ўша йиллардаёқ Ўзбекистон Шарқнинг тинчлик ва ҳамжиҳатлик пойтахтига, Тошкентимиз эса Осиё, Африка ва Лотин Америкаси қалам аҳли, кино ижодкорларининг анъанавий маданий алоқалари шаҳрига айланди. «Тошкент руҳи» оламаро таралган эди. Аслида ўшандаёқ юртим ўз дунё овозини, дунёда ўз ўрнини тайин этган эди. Ана шу ташаббусларнинг бошида Шароф Рашидов турган эди. Бугун, истиқлол замонида Ўзбекистон ўша ҳалқаро мавқеини мустақил давлат сифатида қайта тиклаяпти. Рашидов даври анъаналари ҳам тикланиб, моҳиятан янгича мазмун ва мундарижа касб этяпти: халқаро Тошкент киноанжумани яна бошланди.

Шароф Рашидовнинг мақоланавислик меросида, сиёсий фаолиятидагидек, миллий уйғониш ғояси, ўзликка эгалик мавзуси қизил ипдек кўзга яққол ташланади. Жаҳоний бу курашда Рашидов сиёсий арбоб, ижодкор сифатида ҳам назарий, ҳам амалий фаолият кўрсатди. Ана шу қизғин ва оташи фаолият жараёнида у ўз юрти-ю элини миллий озод ва миллий мустақил кўришни орзу қилмаган деб ким айта олади?! Аслида у ўша серқирра фаолияти билан шу мустақил кунларимиз пойдеворига ўз даври имкони даражасида ғишт қўймаган деб ким шаккоклик қила олади?! Инсофли киши буни тан олмасдан иложи йўқ. Ҳатто, буни дунё тан олган, олаяпти. Аниқ маълумотларга кўра, Фидель Кастро «рашидовчилик»дек туҳматлар баравж паллада Москвага келибоқ «Шароф Рашидовни нима қилаяпсизлар, ахир, у буюк одам-ку», деган ва собиқ марказнинг ўта ноҳақлиги — ёвузлигидан ранжиганлигини ошкора билдирган эди. Дунё мамлакатларида энди ўзимизнинг элчихоналар очилаяпти. Элчихонамиз ходимлари орқали биз Шароф Рашидовни билган, шахсан таниган ва у билан дўстлашган давлат арбобларидан, ижодкорлардан у киши ҳақидаги хотираларини олишни йўлга қўйишимиз, уларни ўзбек, рус, инглиз ва испан тилларида чоп этишни ташкил қилишимиз лозим. Бу ҳам миллий қадриятга, тарихий хотирамизни тиклашга киради. Шу билан ҳам Шароф Рашидов юртимизнинг бугунига ва эртасига хизмат қилади.

Шарофнома

Жаҳон халқларини билмадиму лекин бизнинг миллий истеъдодимизга хос бир қонуний ҳақиқат борки, уни Шароф Рашидов хотираси мисолида эслаб ўтмасликнинг ҳеч иложи йўқ. Чунки айрим ғаламислар то ҳануз у киши шаънига ҳақоратлар ёғдириб, «Рашидов сиёсатга, ҳокимиятга аралашмай, ёзувчилигини қилиб юрса бўларди» деган ошкора киноялар қилиб юришади. Мен бу маънавиятсизларга миллий тарихимизга бир назар ташланглар, қани, подшоларимиз, амиру хонларимиз орасида қай бири имкон доирасида ижод билан, илм билан шуғулланмаган дея сабоқ бергим келади. Ёвузлик империясининг тоталитаризми даврида, қуллик замонида ўз юртию элини севган сардор иш қилса шунчалар қилар эди-да, ахир. Камчиликлар бўлган, албатта. Катта кишининг кичкина камчилиги ҳам катта бўлиб кўринади. Хотирага, меросга диалектик ёндашсак, шубҳасиз, чўнг ва катта ишлар посангиси босиб кетади. Ўзлигини билган миллат учун энг муҳими шу эмасми, ахир?! Рашидов — ёзувчи истеъдодига ёндашишда ҳам, бу истеъдод сирларини англашда ҳам худди шу қонуниятдан келиб чиқиш лозим. Шароф Рашидов қаламкаш сифатида шундай ва фақат шундай ёза олмарди, холос. У бошқача ёза олмас эди. Боз устига у яратган қаҳрамонлар ўз маслагига содиқлиги билан, истиқболга онгли ва фидойи сафарбарлиги билан бугун кимга ҳалақит беряпти?! Қани энди бугун миллатнинг ярмида Ойқизу Олимжондаги, Пўлатдаги қатъият, сабот, ғоя ва у учун кураш мардоналиги бўлса эди. Аминманки, биз миллат сифатида ўз камолотимизнинг мутлақо янгича (маънавий — аҳлоқий) сифат босқичига кўтарилган бўлардик бугун. Собиқ марказнинг, гдлянчилару ивановчиларнинг қатли омига бу даражада ем бўлмас эдик.

Рашидов яратган бадиий образлар, улар яшаган ва курашган, ғолиб келган жойлар ҳам мен учун ғоят қадрли, мўътабардир. Улар нафақат менинг донгдор замондошларим, айни пайтда, менинг ҳамқишлоқларим, маслакдошларим ҳам эди. Мен китобхон сифатида улардан бисёр маънавий, руҳий ва ахлоқий сабоқлар олганман. Улар Рашидов сабоқлари эди. Ўзликка содиқлик, ўзгаларга содиқлик, элу юрт манфаатига онгли сафарбарлик, фидойилик, ҳамиша эртани ўйлаб яшаш ва курашиши, ғолиб келиш санъати сабоқлари эмасми? Бу сабоқларнинг бугунги истиқлол учун маънавий, руҳий теран моҳияти беназирдир. Аслида ёзувчи Рашидов — сардор орзуларини уларнинг ҳаёти ҳамда кураш, музаффарлик фалсафалари моҳиятига сингдириб юборган эди. Мен бу қаҳрамонларни, уларнинг буюк инсоний сабоқларини шунинг учун ҳам эзозлайман ва фахрланаман. Худди шундайларнинг фидойилиги туфайли менинг ватаним — Мирзачўл ва яна кўплаб саҳролар ўзлаштирилди, рости, гулистонга айлантирилди. Шунинг учун ҳам бу қаҳрамонлар беҳад яқин кишилардир.

Мен бу образларнинг бадиий-эстетик талқини хусусида, асарларнинг бадиий маҳорат жиҳатидан қанчалик зўр-нозўрлиги ҳақида ҳукм чиқара олмайман, мутахассис эмасман. Лекин оддий бир китобхон, Рашидов ижодининг мухлиси сифатида шуни комил-ишонч билан қатъий айта оламанки, Рашидов асарлари, у яратган ўзига хос бадиий олам ўз даври адабий жараёнининг яхши самаралари, намуналари тарзида қолишига ишонаман. Демак, бу борада ҳам Рашидов сабоқлари авлодлар учун асқотади.

Юртим, халқим Мустақилликнинг бир йиллик тантаналаридан кейин яна бир қутлуғ шодиёна — Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигини катта миллий байрам сифатида ўтказишга киришди. Мен йилнинг бу икки санаси ўртасида қонуний ворисий муштаракликни кўраман. Улар бир-бирини тақозо этган ва бир-бирига ғоят ярашган, бир-бирини тўлдирган қадриятлардир. Истиқлол тантаналари таваллуд санаси билан узвийлашиб, ўзига хос миллий рамзий моҳият касб этади. Бундай шодиёналар нодир ҳадислар сифатида ҳар йили такрорланмайди. Миллатнинг маънавий бурчи ана шу ҳодисани қадрлай билишда. Миллат юксак ахлоқининг нишонаси бу.

Ахлоқи баланд халқ эса тирикчилигини шунга қараб белгилайди. Бугун ва эрта учун кечасидан ибрату сабоқ бўладиган ворисийликни мерос қилиб олади ва унга беҳад содиқ қолади. Рашидов сабоқлари келажакка йўналганлиги билан ҳам эзозли. Ҳамма гап шу сабоқларга арзишда ва рўёбида.

Мустақил мамлакатнинг келажаги мустақил фикр юритадиган кадрларга боғлиқ, уларни эса ўз навбатида давлат доимо танлаб, ўқитиб, тайёрлаб бориши керак. Зотан шу соҳада анча-мунча тажрибага эга бўлган, юртимиз учун, чет мамлакатлар учун қанчадан-қанча раҳбар кадрларни етиштирган бизнинг олий билимгоҳимизда республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлайдиган, унинг кучайишига катта ҳисса қўша оладиган барча турдаги халқ ноибларини, туман, шаҳар ва вилоят ҳокимларини, барча бошқарув органларининг ҳозирги раҳбар ходимларини дунё бозор иқтисодиёти назарияси ва тажрибаси, қонунчилик асослари, ўзбек тили ва унда иш юритиш, ҳозирги замон дипломатияси асослари бўйича қисқа курсларда ўқитиб, уларнинг малакасини зудлик билан оширсак ёмон бўлмасди. Шунингдек олий маълумот асосида давлат ва бошқарув органларида ишлайдиган, мустақиллигимизни барқарорлаштирадиган, «ўзбеклар иши», «рашидовчилик» деган тамғаларни абадул-абад ўчирадиган, яқингинада халқимиз бошида пайдо бўлган «қора кунлар»нинг қайтиб келмаслигини таъминлай оладиган, Навоийдан тортиб то Шароф боболарга ўхшаш ватандошларни ҳозирдан тарбияласак халқимизнинг дунё тарихи саҳифаларида ўзининг аввалги ҳақиқий ўрнини эгаллашига пухта замин яратган бўламиз.

Абдурашид БЕРИКБОЕВ,
Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, иқтисод фанлари номзоди.

1992 йил ҳосили

КЎПМИНГКИЛОГРАММЧИЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Бу йил эл хирмонига 125 минг тонна «оқ олтин» армуғон этишга азми-қарор қилган навоийликлар ҳам дастлабки пахта ортилган карвонларини заводларга олиб кела бошлашди.

Бу тадбирни вилоятда биринчи бўлиб Қизилтепа райони заршунослари ўтказишган бўлишса, куни-кеча Навбаҳор ва Хатирчи районларида ҳам мавсумнинг карвонлари йўлга чиқди.

..Навбаҳордаги Янгиқўрғон пахта қабул қилиш пунктига эрта тонгданоқ мўл ҳосил ортилган, қўш тележка тортган тракторлар турнақатор бўлиб кела бошлади. Кўп ўтмай йиғилиш бошланди. Ўни район ҳокими А. Алиқулов очиб, пахтакорларни дастлабки хирмон билан муборакбод этди. Ҳосил карвонига бағишланган бу тантанада сўзга чиққанлар йиғим-терим ишларига омад тилашди.

Шу куни 43 минг 500 тонна пахта етиштириш мажбуриятини олган Хатирчи райони пахтакорлари ҳам илк ҳосил карвонига бағишланган тантанани ўтказишди.

Хуллас, вилоят пахтазорларида йиғим-терим оммавий сафарбарлик билан бошлаб юборилди. Айни кунларда вилоят далаларида 10 мингдан ортиқ кўпминг килограммчи чевар теримчилар пахта теришяпти. Ҳадемай уларнинг сафи янада кенгаяди. Шунингдек, вилоятда машина теримига ҳам пухта ҳозирлик кўриляпти. Навоийликлар бу йил ялпи ҳосилнинг етмиш фоизини терим техникалари ёрдамида йиғиштириб олишни режалаштирганлар.

М. ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● Тошкент вилояти Бекобод районидаги «Навбаҳор» давлат хўжалиги пахтазорларида йиғим-терим авжида. Пахтакорлар бу йил 1850 тонна пахта ҳосили йиғиштириб олишга сўз беришган.

СУРАТДА: хўжаликнинг илғор теримчилари Гулмира Оллаёрова ва Жамила Зокирова.

А. ЗУФАРОВ олган сурат. (ЎзА).

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

● ҚАШҚАДАРЁ

ОТ МИНГАН СОҲИБҚИРОН ҲАЙКАЛИ

● ҚАМАШИ районн марказидаги бош майдонда буюк саркарда Амир Темурга ҳайкал ўрнатилди.

Жиловланган от устида ўтирган Соҳибқирон уламолари ва навкарлари қуршовида эл-юртни тинчликка чақирмоқда. Тошкентлик талантли ҳайкалтарош У. Мардиевнинг мазкур ижодида ана шундай ўзига хос ғоя илгари сурилган.

КИИИМ-КЕЧАКЛАР ФАБРИКАСИ

● ШАҲРИСАБЗ саноати ривожланаётган шаҳар. Пиллакашлик, «Ҳужум» бадиий буюмлар фабрикалари, консерва, арақ-вино заводларида тайёрланаётган маҳсулотлар республикамиз аҳолисига манзур бўлмоқда.

Яқинда яна бир корхона фойдалакишга топширилди. Бу тикувчилик ва устки кийимлар фабрикасининг биринчи навбатидир. Корхонада ҳозирча 300 га яқин киши меҳнат қилмоқда. Фабрика вилоят сув хўжалиги бошқармасига қарашли Китоб механизациялашган кўчма калонна бунёдкорлари томонидан қурилди.

Мусо КАРОМОВ.

● ХОРАЗМ

ТУРКИЯДАН КЕЛГАН ИНЪОМ

● ЎЗБЕКИСТОН ва Туркия ўртасида ўзаро иқтисодий ва маданий алоқалар тобора мустаҳкамланиб боряпти. Бу биродарларимизнинг мустақил республикамизга, хусусан Хоразм вилоятига йўллаган инсонпарварлик ёрдамларида ўз ифодасини топди.

Ўтган ойлар давомида турк дўстларимиз вилоятга қарийб 75 тонна ун, шакар, гуруч, қуруқ сут, макарон, маргарин ёғи, гўшт консерваси, бир миллион 690 минг донадан кўпроқ бир йўла ишлатиладиган шприц армуғон этишди.

ВИЛОЯТДА БЕРУНИЙ КУНЛАРИ

● ҚЎҲНА бу диёрда Беруний кунларини ўтказиш, унинг руҳини шод этиш анъанага айланган.

Бу анъана ҳар йили сентябрда адо этилади. Юзлаб зиёлилар, машҳур қомусий олимнинг мухлислари унинг номи билан аталаётган Хива районидаги жамоа хўжалигига келиб, Беруний боғи ва уй-музейини зиёрат қиладилар. Олимнинг ўлмас даҳоси, бебаҳо асарлари, жаҳон фанига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида дил сўзларини изҳор этадилар. Бу йил ҳам худди шундай бўлди.

Эркин МАДРАҲИМОВ.

● СИРДАРЁ

«ҲУРРИЯТ» — ЧОЙХУРЛАР МАСКАНИ

● ҚУРИҚ Оқолтин райони маркази — Сардоба қўрғонида минг ўринли масжид, унинг ёнида эса шарқона усулда қурилган 500 ўринли «Ҳуррият» чойхонаси фойдаланишга топширилди.

Шу нарса эътиборга лойиқки, чойхона район қурувчилари ва жамоатчилик ёрдамида атиги 36 кунда битказилди. «Ҳуррият» ҳозирча Оқолтин районидагина эмас, балки Сирдарё районидаги энг йирик ва замонавий усулда барпо этилган ягона чойхонадир. Масжид ва чойхонанинг очилиш маросими ўзига хос тантанага айланди.

Абдужалил УМАРОВ.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ КИЧИК КОРХОНАДАН БОШЛАНАДИ

● Маълумки, шу йилнинг 23 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳаллий саноат, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, давлат савдоси ва умумий овқатланиш корхоналари ҳамда ташкилотларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни ташкил этиш тадбирлари ҳақида» қарор қабул қилган эди. Куни кеча Тошкентда ушбу ҳужжатдан келиб чиқадиган вазифаларни муҳокама қилиш ҳамда уларни ҳаётга тадбиқ этиш масалаларига бағишланган республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Мазкур йиғилишга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар, марказий ва тижорат банкларининг ҳамда давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитаси ҳудудий бўлинмаларининг «Ўзбексавдо» уюшмаси, «Маҳаллий саноат» давлат корпорацияси ва «Ўзмаиший хизмат» республика иттифоқининг раҳбарлари, мутахассислари таклиф этилдилар.

Семинар-кенгаш ишини жумҳурият Бош вазири А. Муталов очди. У мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг бошланиши бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётни тубдан қайта қуришда муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳақида гапирди. Бу тадбирлар республикасининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда босқичма-босқич амалга оширилиши таъкидлаб ўтилди.

Хўш, хусусийлаштириш бизга нима беради? Аввало, турли хилдаги мулк шакллари таркиб топади. Бу эса иқтисодиётда рақобат механизмини юзага келтиради. Бинобарин, ўзаро рақобат тараққиётга чорлаб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кескин ортади. Иккинчидан, давлат зарар кўриб ишлайдиган корхоналарни маблағ билан таъминлаш каби эскича сиёсатдан қутулади. Энг муҳими, республикамизда мулк эгалари бўлган, айниқса акция шаклидаги мулкка эга бўлган фуқаролар сони кўпаяди. Пировардида эса бу жараён жумҳуриятимиз халқ хўжалигининг кўп укладли иқтисодиётга ҳамда бозор муносабатларига ўтишида ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тадбирлари энг аввало савдо, умумий овқатланиш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳамда маҳаллий саноатнинг кичик ва ўрта корхоналаридан бошланади. Бу жараёнда дастлабки масаланинг ижтимоий жиҳатларига алоҳида аҳамият берилади. Шуни ҳисобга олиб, жумҳуриятда яқин келажакда акция (қимматбаҳо қоғоз)лар ишлаб чиқаришни ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Акция эгалари қанча кўп бўлса, одамлар хусусийлаштириш жараёнини шунча муваффақиятли ўтади.

Йиғилишда республика Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қароридан келиб чиқадиган шу ва бошқа масалалар муҳокама этилди. Мутахассисларга тегишли тавсияномалар берилди.

Семинар-кенгаш ишида республика Бош вазири биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосарлари А. Н. Возненко, М. Қорабоев, Э. Самандаров, К. Тўлаганов, Қ. Ҳаққулов иштирок этди.

А. БОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Навоий вилоят кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Сессия ишида депутатлар билан бирга Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят, шаҳар, район кенгашлари котиблари ҳамда вилоят ташкилот ва корхоналарининг раҳбарлари ҳам иштирок этдилар. Сессияда вилоят ҳокимлиги фаолиятининг асосий йўналишлари, вилоят кенгашига янгидан сайланган депутатларнинг ваколатлари ҳамда халқ депутатлари вилоят кенгаши доимий комиссияларининг таркибига ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек сессияда вилоят судининг халқ маслаҳатчиларини сайлаш, айрим сайлов округлари номларини ўзгартириш, вилоят ҳокими қарорларини тасдиқлаш борасидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Сессия ишида вилоят ҳокими, Ўзбекистон халқ депутати А. А. Айдарқулов маъруза қилди.

М. ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● ЎЗБЕКИСТОН— РОССИЯ

ИШБИЛАРМОНЛАР КЕНГАШМОҚДАЛАР

Собиқ Иттифоқ ўзининг барча хатоликлари, охири пуч режалари билан тарих саҳнасидан тушиб кетди. Эндиликда яқин ўтмиш сабоқларидан хулоса чиқараётган «оға» ва «ини»лар янгича шакл ва мазмун билан йўғрилган тенг ҳуқуқлилик асосларида замонавий муносабат ўрнатишга интилишмоқда. Чунки, жаҳон тарихида ҳеч бир давлат ҳали якка ўзи ривожланиб, бошқаларни қойил қолдирмаган.

Ўтган ҳафта Тошкентда Ўзбекистон ва Россия ишбилармонларининг амалий учрашуви бошланди. Бунда ҳар икки мамлакат янги иқтисодий тузилмаларининг вакиллари, молия ва божхона ходимлари. Президентлар маҳкамаларининг етакчи ходимлари ҳукумат ва вазирликларнинг раҳбарлари, халқ ноиблари, тижоратчилар иштирок этишмоқда.

Ишбилармонлар семинар-учрашувини Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Иқтисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш қўмитасининг раиси Э. Н. Хўжаев очди. Республика Бош вазирининг ўринбосари К. Н Тўлаганов маъруза қилди. Олти кунлик учрашув кун тартибига қўйилган долзарб масалалар ҳақидаги кўпгина маърузалар эшитилади.

Дарҳақиқат, бу республикалар минглаб ришталар билан чамбарчас боғланган. Бирон йирик корхона ёки хўжалик мустақил ишлаб кетолмаяпти. Хом ашё, машина ва механизмлар, бутлаш қисмлари етишмайди. Қуйида учрашув қатнашчиларидан айримларининг фикрлари билан танишинг.

Москва қўшма корхоналар уюшмасининг бош директори В. Гнутов:

— Россия билан Ўзбекистон иқтисодий жиҳатдан йирик ва қудратли давлатлар бўлиб, улар ўртасида қадимдан ўзига хос мустаҳкам алоқалар вужудга келган. Бу алоқаларнинг узилиши ҳар икки томон учун ҳам мислсиз зарар бўлур эди. Ҳозир Ўзбекистон сиёсий жиҳатдан энг барқарор республика сифатида катта обрўга эга. Тижорат билан сиёсат эса ҳамиша бир-бирига боғлиқ. Бу барқарорлик асосан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг хизмати эканини ишбилармонлар жуда яхши биладилар.

Асака шаҳридаги «Ишонч» кичик корхонасининг директори Е. Мирзаматов:

— Кичик корхонамиз кўпгина буюм ва маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Ярим шатакли прицеплардан тортиб, боғбонлар учун нарвонгача, йиғма кароватларнинг бир неча хили, болалар учун диванлар, юмшоқ ўриндиқлар ва ҳоказо маҳсулотлари тайёрлаймиз. Ҳар ойда 2,2 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланади. Бизни қийнаётган муаммолардан бири — бу металл танқислигидир. Биз уни Россия Федерациясининг Красноярск шаҳридан буюртма-шартнома асосида келтирамиз. Лекин жуда қиммат... Бугунги учрашув шу каби муаммоларни ҳал қилишда бирон-бир фойдали фикрга олиб келади деб ўйлайман.

Ўзбек ва рус ишбилармонларининг амалий учрашувлари 29 сентябргача давом этади.

А. АБДУБАННОПОВ.

ЁЗ МЕВАСИ ҚИШДА ДОРИ

ЕКИ ХЎЖАЙЛИ ТАЙЁРЛОВ ИДОРАСИ КОРХОНАСИ ҚИШБОП КОНСЕРВАЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЎЗЛАШТИРГАНИ ҲАҚИДА

● Хом ашёдан кўра тайёр маҳсулот сотган маъқул. Бу ҳақиқатни энди Хўжайли район қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш идораси ходимлари чуқур англаб кичик корхоналар очиш йўлини танлашди.

Бундай қарорга келишнинг уч сабаби бор. Биринчидан тайёр маҳсулот сотишдан манфаатдорлик кўпроқ бўлади. Иккинчидан, иқтисодий қийинчилик шароитида қиш учун мева-сабзавот консервалари ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаш мумкин. Ва, ниҳоят, учинчидан, бўшаб қолган ишчи-мутахассисларга иш жойлари яратилади.

Эндиликда тайёрловчилар фаолияти кенгайиб боряпти. Қатор кичик корхоналар, цехлар қуриб ишга туширилди. Бундай йўл тутиш ишчи-мутахассислар маошини 1,5 — 2 ҳисса ошириш имкониятини ҳам бермоқда. Ишчи-мутахассислар сонини қисқартириш ҳақида энди ўйлашга ҳожат қолмади.

Ҳар сменада 150 килограмм кунжут мойи чиқарадиган 2 та мойжувоз, 200 тонна помидор, карам, бодринг тузлайдиган цехлар ишлаб турибди. Бир кунда 750-800 килограмм ун чиқарадиган тегирмон иш бошлади. Бундан район аҳли хурсанд. Йилига 1-1,5 миллион банка сабзавот консерваси ишлаб чиқарадиган цех маҳсулот бермоқда. Шокир Комилов раҳбарлик қилаётган бу цех ишчилари ҳар сменада 7,5-8 минг банка консерва ишлаб чиқаришга эришмоқда.

Каримбой Қўчқоров раҳбарлик қилаётган қовун қоқи цехи ишчилари шу мавсумда 800 тонна олмани қоқи қилишади. Айни шу кеча-кундузда сифатли олма қоқи тайёрлаш авжида. Сентябрь ойидан бошлаб қовун қоқи тайёрлашга киришилди. Бу йил 38-40 тонна қовун қоқи тайёрлаш режалаштирилган.

Яна бир янгилик: бу ерда кулолчилик цехи ҳам фойдаланишга топширилди. Унинг моҳир устаси Маҳмуд Иброҳимов Хива шаҳридан таклиф қилинди. У ўзининг кулолчиликдаги маҳоратини кўрсатиб ишламоқда. Бу ерда тайёрланган коса-пиёлалар, ҳар хил гул туваклар ва бошқа буюмлар харидорлар томонидан чаққон олиняпти.

Тайёрлов идораси раиси Ғайрат Сапоев билан суҳбатлашганимизда цехларни у хом ашё билан таъминлашдаги аҳвол ҳақида шундай деди: — Ҳозир мустақилликни мустаҳкамлашда, корхоналарни хом ашё билан таъминлашда аниқ йўл белгиланиб олинди. Ҳаммамиз энди бир ёқадан бош чиқариб ишлашимиз керак бўлади.

Биров етказиб беради, биров топиб келтиради, деб ўтирсак, ишимиз олдинга эмас, орқага кетади. Айни шу кунда ҳар бир тадбирни аниқ мўлжал билан амалга оширишимиз керак. Масалан, биз хом ашёни давлат ва жамоа хўжаликларидан шартнома асосида сотиб оламиз. Деҳқонларнинг ортиқча қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳам харид қиламиз. Ҳатто Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Самарқанд вилоятларидан ҳам ёзин-қишин мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари, картошка, узум, оламиз. Ишнинг кўзини билиб ишлаганга хом ашё топиш, уни қайта ишлаш муаммо эмас. Энди ҳайбаракаллачилик билан иш юришмайди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлашни кўпайтириш йўлида камчиликлар ҳам йўқ эмас. Тўғри, пул етишмаганлиги аниқ. Бироқ пул етишмаяпти, деб сабзавот, полиз маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотлар тайёрлашни тўхтатиб қўйиш мумкин эмас-ку. Хўжайли давлат банки раҳбарияти (бошқарувчиси У. Пиримбетов) айби билан пул ололмаяпмиз. Шу сабабли мўлжалдаги маҳсулотларни тайёрлаш режалари барбод бўляпти.

Давлат банки амалий ёрдам кўрсатмаса, Хўжайли шаҳри ва район аҳолисининг қиш ойларидаги тирикчилиги қандай ўтади? «Ёз меваси қишда дори» деб бекор айтишмаган-ку!

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАНД-ШАКАР ЭНГ ЮҚОРИ ЧАКАНА НАРХИНИ ЎЗГАРТИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРИГА

ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси қанд-шакар энг юқори чакана нархини ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилди.

1992 йил 28 сентябрдан Ўзбекистонда қанд-шакарнинг ҳар килограммига 45 сўм миқдорида энг юқори чакана нарх жорий этилди. Бу республикага етказиб берилаётган қанд-шакар нархи кескин ошгани, уни республикага ташиб келтириш транспорт харажатларининг қимматлашгани, МДҲ мамлакатларидан Ўзбекистонга қанд етказиб бериш ҳажми анча камайгани билан боғлиқ.

Ҳозир МДҲ республикаларидан ҳар килограммига 70 сўм ва ундан ҳам кўпроқ тўлаб шакар келтирилмоқда, савдо ташкилотларининг қанд-шакарни ташиш, сақлаш, қадоқлаш ва сотиш харажатлари ҳисобга олинса, унинг қиймати 80-85 сўмга етади. Лекин шундай қиммат бўлишига қарамай қанд-шакар етишмаяпти.

Аҳолини белгиланган миқдорда шакар билан кафолатли таъминлаш учун республика уни валютага сотиб олишга мажбур бўлмоқда.

Сўмнинг АҚШ долларига нисбатан қиймати тушиб бораётганлигини ва ҳозирги вақтда 1 доллар 248 сўмга тенглиги эътиборга олинса, ҳориждан келтирилаётган қанд-шакар бошқа барча харажатлар билан қўшиб ҳисоблаганда республика учун ҳар килограмми 75—80 сўмга тушмоқда.

Республика ҳукумати асосий озиқ-овқат маҳсулотлари чакана нархларининг ошиб кетмаслигига интилиб, бу маҳсулотларни харид қилиш нархлари билан аҳолига сотиш нархлари ўртасидаги тафовутни қоплашга давлат бюджетидан катта пул ажратмоқда. Масалан, 1992 йилда қанд-шакар харид қилиш ва аҳолига сотиш нархлари ўртасидаги тафовутни қоплаш учун 1,6 миллиард сўм, шу жумладан, йилнинг тўртинчи чорагида 0,4 миллиард сўм ажратиш кўзда тутилган. Қанд-шакарнинг ҳозирги чакана нархлари сақланиб қолинадиган бўлса, унга Давлат бюджетидан ажратиладиган дотация йилнинг IV чорагида 2,8 миллиард сўмга етади.

Ҳозирги вақтда Ҳамдўстлик республикаларининг кўпчилигида қанд-шакарнинг чакана нархлари 1992 йил 23 сентябрда 70 сўмдан 100 сўмгача бўлганлигини таъкидлаш зарур, ҳисоблаш идораларининг қуйида келтирган маълумотлари ҳам шуни кўрсатади:

Москва — 73 сўм.
Санкт-Петербург—81 сўм 50 тийин.
Киев — 70 сўм.
Олмаота — 80 сўм.
Бешкек — 100 сўм
Душанбе — 72 сўм.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

● ВОҚЕА АРАФАСИДА

ОМАДИНГИЗНИ БЕРСА, АЖАБМАС

ЭРТАГА УРГАНЧ ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЎН ИККИ ФОИЗЛИ ИЧКИ ЮТУҚ ЗАЁМИНИНГ ИККИНЧИ ТИРАЖИ ЎЙНАЛАДИ

Республика иқтисодиётини мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини оширишга қаратилган бу муҳим тадбирни ташкилий жиҳатдан намунали ўтказиб, ўзига хос байрамга айлантиришга тайёргарлик кўрилмоқда. Республикамиз шаҳар ва қишлоқларида бўлгани каби хоразмликлар ҳам ютуқли заём облигацияларини зўр қизиқиш билан сотиб олмоқдалар.

— Собиқ Иттифоқ давридаги заёмларнинг ҳар 400 тасига бор-йўғи биттадан ютуқ чиқарди, —дейди вилоят жамғарма банки бошлиғи Ҳамиджон Болтаев. — Республикамиз заёмининг эса ҳар юзтасига камида учтадан ютуқ чиқиб, омади келган кишиларни беҳад қувонтирмоқда.

— Шу йил 30 июлда Самарқандда ўтказилган дастлабки тиражда хоразмликлардан неча кишига пул ютуғи чиқди?

— Самарқандда ўтказилган тираж арафасида хоразмликлар бир юз қирқ тўрт миллион сўмлик заём, жумладан жамғарма банки тизими бўйича 123 миллион сўмликдан кўпроқ заём харид қилишган эди. Вилоятимизда ана шу облигация эгаларидан бирига 100 минг, олти нафарига 25 минг, тўрт кишига 20 минг ва юздан ортиғига 10 минг сўмдан ютуқ чиқди. Биринчи тиражда омади келган хоразмликларга бугунгача тўрт миллион сўмдан ортиқроқ маблағ тарқатилди. Бундай катта ютуқлар одамларда қизиқиш уйғотди. Шунинг учун ҳам вилоятимизда яна 70 миллион сўмлик, шу жумладан жамғарма банки бўйича 56 миллион сўмлик заём сотилди.

Иккинчи тиражнинг ўйналиш маросими Урганчдаги Огаҳий номли вилоят театрида ўтказилади. Бу тиражда 250 минг сўмлик битта, 100 минг сўмлик 10 та, 50 минг сўмлик 50 та, 25 минг сўмлик 100 та, 10 минг сўмлик 2 мингта, 5 минг сўмлик 17 минг олти юзта, 2 минг сўмлик 20 минг 238 та — жами 40 мингта ютуқ ўйналади.

Шаҳар ҳокимлиги бу қувончли воқеа муносабати билан 29—30 сентябрь кунлари қатор тадбирлар ўтказишни режалаштириб қўйди. Чунончи, шаҳар ҳокимлиги тиражга бағишланган совғин учун «Эпчиллик ва чаққонлик» спартакиадасини ўтказиб, ғолибларни заём облигациялари билан тақдирлашни мўлжалламоқда. 30 сентябрь куни вилоят театри олдида «Хоразм ҳаволари» шаҳар бирлашган бадиий жамоаларининг театрлаштирилган чиқишлари, санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг томошалари кўрсатилади. «Ўзбекистон — Ватаним маним» деган тасвирий санъат ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари кўргазмалари ташкил этилади, «Саховат» тадбирлари уюштирилади. Эрталаб соат саккиздан кечки соат ўнга қадар карнай-сурнайлар чалиниб, куй ва қўшиқлар таралиб, раққосалар ўйнаб турадилар.

Азизлар, бу галги тиражда ҳам ҳаммангизга омад ёр бўлсин!

Эркин МАДРАҲИМОВ.

● БУХОРО

ХЎЖАЛИКДА ШИФЕРЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ

● БУХОРО районидаги «Янги турмуш» жамоа хўжалигида илғор технология асосида шифер ишлаб чиқариш цехи ускуналарини созлашга киришилди.

Бу технологияни тошкентлик олим, физика-техника фанлари номзоди Р. Т. Раппимов бошлиқ «Недра» корхонаси мутахассислари ишлаб чиқишган. Унинг ўзига хос хусусияти шундаки, ишлаб чиқаришда инсон саломатлиги учун ҳавфли асбест материалидан умуман воз кечилган. Хом ашё учун маҳаллий ресурслар қўлланилади. Янги цехни бир ой ичида ишга тушириш мўлжалланмоқда. Дастлабки линиянинг ишлаб чиқариш қуввати кунига 100 дона шифердан иборат. Цехда бор-йўғи 4 киши ишлайди.

Нусратулла НАИМОВ.

● ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ XI ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИ ОЛДИДАН

БУ-БОШҚАЧА АНЖУМАН

дейди Ўзбекистон Республикаси давлат кинокомпаниясининг раиси Хайрулла ЖЎРАЕВ

— Хайрулла Жўраевич, яна бир неча кундан сўнг жумҳуриятимизга улкан маданият байрами, дўстлик ва ҳамкорлик намойиши — XI Тошкент Халқаро кинофестивали ташриф буюради. Бу ниҳоятда шарафли ва айни вақтда ўта масъулиятли анжуман. Шу боисдан мулоқотимизнинг аввалида кинофестивалга кўрилаётган тайёргарлик ҳақида қисқача гапириб берсангиз.

— Аввало бир нарсани алоҳида миннатдорчилик билан таъкидлаб ўтишни хоҳлардим. Гап шундаки, қарийб чорак асрдан бери муваффақиятли ўтказиб келинаётган, жаҳон, айниқса уч қитъа кинематографияси ривожланиши ва равнақига қимматли ҳисса қўшган, турли элларнинг турли тиллардаги халқларини бир-бирларига яқинлаштиришга, дўстлаштиришга, ўзаро ижодий алоқа ва ҳамкорликларини кучайтиришга беминнат хизмат қилиб келаётган Тошкент Халқаро кинофестивали собиқ Иттифоқда давр нотинчлиги сабабли тўхтаб қолган эди. Биз, анжуман мезбонлари ва ташкилотчилари, қолаверса, бутун тараққийпарвар халқаро киножамоатчилик армон билан яшаётган эдик. Шукурлар бўлсинким, жумҳуриятимиз Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ташаббуси ва жонкуярлиги туфайли кинофестиваль қайта тикланди ва ўз фаолиятини давом эттирадиган бўлди.

Кинофестивалга тайёргарлик ишлари анча барвақт бошланди. Ҳозиргача жумҳуриятимиз раҳбарияти бошчилигида, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва қатор вазирликлар ёрдамида асосий ишларнинг аксарияти амалга оширилди. Масалан, анжуман фильмлари намойиш этиладиган кинотеатрлар аниқланиб, улар зарур жиҳозлар билан таъминланди. Санъат кўригида асосий маскан бўладиган Киночилар уйи ва Санъат саройидаги шарт-шароитлар, хизмат воситалари обдон кўриб чиқилди. Бу даргоҳларда фестиваль кунлари ҳар хил кўргазмалар уюштириш режаси ишлаб чиқилган. «Ўзбекистон» меҳмонхонаси ўзига қадрдон бўлиб қолган дўстларига интизор бўлиб турибди. Меҳмонларга хизмат қиладиган таржимонларнинг барчаси етук, яъни ўзлари танлаган тилни пишиқ-пухта биладиган даражада бўлишларига ҳаракат қиляпмиз. Айни вақтда халқаро анжуман кунлари чоп этиладиган кўплаб нашрлар, Матбуот варақалари тараддудини кўриб қўйганмиз.

— Бу галги фестиваль аввалгиларидан нимаси билан фарқ қилади? Унда қандай янгиликлар бўлиши кутилмоқда?

— Сал дабдабалироқ бўлса ҳам айтишим керак: Ниҳоят — фестивалимизнинг ўн биринчисини ўзимиз мустақил, Москванинг сценарийларисиз, танловларисиз ўтказяпмиз!

XI кинофестиваль бошқача анжуман. Эътибор берган бўлсангиз, унинг шиори ҳам ўзгарди, яъни «Ассалому алайкум!»бўлди. Бу сўзнинг маънисини ҳар бир инсон яхши билади. Биз Тошкентда ўз қадрдонларимизни кутиб олар эканмиз, уларга ҳам салом берамиз, ҳам энг эзгу тилагимизни изҳор этамиз.

Янгиликлардан бири шуки, фестиваль ичида фестиваль бўлади. Яъни Тошкент кинофестивали тарихида биринчи марта буюк санъаткор Раж Капур экранлаштирган фильмларнинг кўриги ўзига хос фестивали ўтказилади. Шу таклифни айтганимизда, ўлмас режиссёр ва актёрнинг фарзандлари чексиз қувонч билан кутиб олишди. Капурнинг ўғиллари ва қизи, шунингдек, неваралари қатнашадиган ана шу фестивалда жаҳон кинематографиясининг энг яхши намуналаридан деб эътироф этилган, режиссураси ва актёрларнинг ижрочилиги, мусиқалари билан ҳар қандай кишини ҳам мафтун қила оладиган бадиий картиналар кўрсатилади.

— Кинофестивалда қатнашиш истагини билдирган мамлакатлар ҳозиргача нечта бўлди? Йўлланган таклифномаларга одатдагидек кет ма-кет ҳоҳиш мактублари келиб турган бўлса керак-а?

— Албатта. Деярли ҳар куни кинофестивалда иштирок этишни истаган мамлакатларнинг билдирувларини олиб турибмиз. Ҳозирга қадар элликка яқин розилик хати олдик. Мен шу ўринда жаҳонга кинематография давлати деб донг таратган, экран санъатига Р. Мукержи, Р. Капур, Х. Аббос, Б. Бхаттачария, М. Сен каби буюк киночиларни етказиб берган Ҳиндистоннинг муносабатини алоҳида ҳурмат билан қайд қилиб ўтаман. Бу мамлакат ҳар галгидек бу гал ҳам энг биринчилардан бўлиб фестивалда иштирок этиш истагини билдирди ва фильмларини кетма-кет хабар қилиб турибди.

Покистон, Япония, Туркия, Миср ҳам биринчилардан бўлиб қатнашиш истагини билдирди. Шуниси қувончлики, ўн биринчи кинофестивалда ҳам дунёга машҳур санъаткорлар, уларнинг шогирдлари, мактабларининг талабалари иштирок этадилар. Аллома санъаткорлар услубида яратилган картиналар намойиш қилинади.

— Ҳозирги кунда томошабинларнинг тилига, дилига тушган киноюлдуз Вероника Кастро мамлакати ҳам иштирокчилар сафида борми?

— Бўлмасамчи. Бу мамлакат аввалги фестивалларда ҳам ўзининг ранг-баранг мавзудаги фильмлари билан фаол қатнашиб келган. Мексика ҳозирги вақтда кинос санъати энг тараққий этган мамлакатлардан ҳисобланади. Унинг студияларида яратилган картиналарни кўришни, атоқли намояндаларнинг экран санъати тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини эшитишни ким ҳоҳламайди дейсиз. Вероника хонимга келсак, у ҳам фестивалимизда қатнашиш истагини билдирди. Актриса билан шахсан ўзим Москвада учрашиб таклифни айтганимда, у ғоятда хурсанд бўлди. Ўн биринчи фестиваль кунлари томошабинлар ҳозирги даврнинг биринчи рақамли кино юлдузи билан учрашишса ажаб эмас.

— Анъанага кўра, кўрик охирида энг яхши фильмлар аниқланади. Хўш, ғолиб асарларни, уларнинг муаллифларини қандай мукофотлар кутмоқда?

— Ғолибларга бешта соврин аталган. Энг яхши эътирофга сазовор бўлган картинага Бош мукофот —«Олтин семурғ» берилади. «Аёл ролининг энг яхши ижроси учун», «Эркак ролининг энг яхши ижроси учун» деган совринлар ҳам ўз соҳибини кутяпти. Яна бир соврин миллий анъаналарни ривожлантиришга қўшилган улкан ҳисса учун берилади. «Муваффақиятли илк иштироки учун» деган махсус мукофотимиз ҳам бор. Бундан ташқари фестиваль ҳомийси — Маданият ва умуминсоний қадриятлар халқ академияси, ижодий уюшмалар, махсус мукофот, совринларини таъсис этишган.

— Фестиваль фильмлари асосан Тошкентнинг қайси кинотеатрларида намойиш қилинади?

— Санъат саройи, Фурқат, «Нодира бегим» каби ўнта йирик кинотомошагоҳда кўрсатилади. Киночилар уйида конкурс кўриги ва кино бозори ташкил этилади. Фестиваль учрашувлари эса, бутун республикамиз бўйлаб давом этади. Қатнашчилар ва меҳмонлар гуруҳларга бўлиниб, вилоятларга сафар қиладилар.

Биз барча киночилар, Ўзбекистон Давлат кинокомпанияси ва устоз Малик Қаюмов раҳбарлигидаги Кинематографчилар уюшмаси ходимлари учун энг муҳими қайта тикланган кинофестивални ҳар томонлама юксак савияда ўтказишдир.

● Кинокомпания раиси камтарлик қилди. Тўғри, Халқаро анжуманнинг асосий мезбонлари — улар. Лекин республикамизга ўн биринчи марта ташриф буюраётган Халқаро кинофестиваль жумҳуриятимизда, хусусан, Тошкентда яшаб, ижод қилаётган барча ижодкорларга, маданият ходимларига, Ижодий уюшмалар ва ташкилотларга қолаверса, бутун санъатсевар халқимизга даҳлдордир. Ҳаммага бирдай масъулият юклайди. Шундай экан, бу шарафли, айни вақтда ғоятда масъулиятли тадбирни тўлақонли, бекаму-кўст ўтказишга ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак. Шундай қилсак, дунёнинг турли бурчакларидан одатдагидан ортиқча қизиқиш билан ташриф буюрадиган дўстларимиз кўз ўнгида энг аввало МУСТАҚИЛЛИГИМИЗни намойиш этган бўламиз.

Юсуф БЕРДИЕВ.

Олтмиш саккизинчи йилда бошланган Тошкент Халқаро киноанжумани етмишинчи, саксонинчи йилларда уч қитъа кинематографиясининг ҳақиқий кўзгусига айланди. Унда Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг деярли барча мамлакатлари фаол иштирок этмоқдалар. Буни диққатингизга ҳавола қилинаётган суратлавҳалар ҳам исбот этади.

Тўққизинчи кинофестиваль пайтида олинган биринчи суратда тўрт мамлакатнинг вакилини кўриб турибсиз. Улар Тошкент анжуманининг шарофатидан чексиз хурсанд. Чапдан ўнгга: Р. Караско (Чили), Л. Файзиев (Ўзбекистон), А. Сесор (Эквадор), Р. Варгас (Никарагуа). Иккинчи суратда эса Шимолий Кореянинг киноюлдузи Хон Ен Хини ватандоши, санъатшунос Ан Сон Як билан кўриб турибсиз.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

● Эл соғлиғи—юрт бойлиги

БЕМОРЛАР НАВБАТ КУТИШМАЙДИ

Собир Раҳимов райони шифохона ва поликлиникаларида кейинги йилларда бир қанча янгиликлар амалга оширилди. 9- ва 34-поликлиникалар замонавий лойиҳа асосида қурилган кўп қаватли биноларга кўчирилди, 4-болалар поликлиникаси жамоаси эса шароити яхшиланган икки қаватли бинода элга хизмат кўрсатмоқда. 3-, 8-туғуруқхоналар қайта таъмирланиб, тиббиёт хоналарига замонавий жиҳозлар ўрнатилди. Шуниси қувончлики, 33-, 34- ва 9-поликлиникаларда кундузги касалхоналар очилди. Ҳар томонлама қулай бўлган бу касалхоналарда асосан пенсионерлар, кўп болали оналар, ҳомиладор аёллар даволанишади.

— Кундузги касалхонанинг қулай томони шуки, аввало, бемор ўз оиласидан ажралмаган ҳолда яшайдиган жойига яқин, айни пайтда ўз шифокори томонидан даволанади, — дейди Собир Раҳимов район соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи Васила Ҳамидова. — Энг муҳими, беморлар касалхонага ётиш учун ойлаб навбатда туришмайди. Ана шу яхши тадбир туфайли учта шундай даволаш масканларимизда ҳар ойда 150—160 бемор ўз дардига шифо топяпти.

Шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ташаббуси билан 4-, 9-, 33- ва 34-поликлиникаларда тез ёрдам пунктлари очилди. Бу бўлинмаларда тажрибали шифокорлар хизмат қилишади. Улар беморларга тегишли тез тиббий ёрдам кўрсатишади. Жуда оғир беморларни эса касалхоналарга ётқизиш учун амалий чоралар кўришади.

9-поликлиника (бош шифокор Г. Исломова) қошида ташкил қилинган шаҳар хирургия маркази хизматидан беморлар хурсанд. Профессор С. Аъзамхўжаев бу марказга раҳбарлик қиляпти. Хирургия маркази замонавий тиббий ускуналар билан таъминланган. Булар орасида мукаммал наркоз аппарати, электр сўрғич, ҳаракатланувчи рентген аппаратлари мавжуд.

Оналар ва болаларнинг соғлиғини сақлашда ҳам район шифокорлари беминнат хизмат қилишяпти. 2-, 3- ва 8-туғуруқхоналарда ҳам энг замонавий анжомлар ўрнатилди. Сақланиш учун ётган ҳомиладорларга, айниқса ёш оналарга алоҳида ғамхўрлик қилинаётир.

Райондаги 5-болалар оромгоҳи яқин-яқингача ночор аҳволда эди. Ҳатто, бинолар нураб, у ердаги жиҳозлар яроқсиз аҳволга келиб қолган эди. Яқинда санаторийга Дилором Юсупова бош шифокор этиб тайинланди. Қисқа вақтда бинолар таъмирланди. Тажрибали шифокорларнинг ғайрат-шижоати туфайли санаторий оёққа турди. Ҳозир бу шифо масканида ўпка ва нафас йўллари шамоллаган болалар даволанишади.

Хуллас, районда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш яхшиланди. Буларнинг ҳаммаси республика Президентининг эл соғлиғини яхшилаш йўлида чиқарган фармонларининг амалга оширилиши самарасидир.

Ю. ЗИЕДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

* * *

Суратларда: 1. 9-шифохона қошидаги шаҳар жарроҳлик маркази шифокорлари (чапдан) А. Зокиров, С. Ҳамидова ва Б. Маннополвлар ўзаро суҳбатлашишяпти.

2. 5-санаторий бош врачи Дилором Юсупова болаларини даволашга олиб келган Насиба Узоқова билан.

3. Шу санаторий тарбиячиси Нигора Йўлдошева кичкинтойлар даврасида.

4. 8-туғруқхона бўлим бошлиғи Р. Девликапова ва ҳамшира У. Ҳасанова чақалоқларни кўрикдан ўтказишяпти.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

● ЁДНОМА

ҚАЛБГА ЯҚИН ИНСОН ЭДИ

Жума темирчини ғузорлик кексалар ҳалигача фахрланиб эслашади. Нафақадаги кекса қўйчивон Раҳмат бобо Нормуродов шундай ҳикоя қилади:

— Ўшанда колхознинг ўттиз минг бошга яқин қўй-қўзиси бўларди. Бир сурувни ўзим боқардим. Раисимиз чўпон-чўлиқларга меҳрибон эди. Вақт топди, деганча яйловга келиб ҳолимиздан хабар оларди. Жамоа хўжалигида обрўйи баланд эди. Кўп суҳбатида бўлганман. Оқсоқолнинг сўзларидан бол томарди. Оддий, камсуқум киши эди.

Бобо ҳикоясини тинглар эканмиз, оддий темирчиликдан жамоа хўжалиги бошқаруви раиси даражасига кўтарилган, аммо элим дея тиним билмай ишлаб, юрт меҳрини қозонган инсонлар хотираси ҳеч қачон унутилмаслигига амин бўлдик. У оз эмас, кўп эмас, йигирма бир йил темирчилик қилган. Бу ота-бобоси касби эди.

Саводсизлик курсини битирган Жума Қосимовни айниқса, Ғузор қишлоқ шўросига раисликка сайлашгач, тиним билмади. Жума ака биринчи галда қишлоқлар ободончилигига эътиборни қаратди. Кейинчалик еттита колхоз бирлашиб ҳозирги Мейли Раҳмонов номли жамоа хўжалиги тузилди, уни хўжалик умумий йиғилишида раисликка сайлашди. Энди масъулияти аввалгидан ўн чандон ошган. Фронтдан онда-сонда қора хат келиб турарди. Раис бева-бечораларнинг кўнглини кўтарар, етимларнинг бошини силарди.

Ҳазонрезги кунларнинг бирида фронтда жанг қилган А. Раҳмонқулов ҳақида қора хат келди. Беш бола етим қолди. Хонадонга ташриф буюрган раис болалар бошини силаб, уй бекасига далда берди:

— Қўлимиздан нима ҳам келарди Ҳурсанд опа? Тақдир экан. Ўзингизни қўлга олинг, Аммо болаларни ёлғизлатиб қўймаймиз. Эрингиз раҳматли ажойиб инсон эди. Унинг хотирасини унутмаймиз.

Раис ўз сўзида турди.

Бир минг тўққиз юз қирқ тўртинчи йилнинг баҳори серёғин келди. Далаларда ҳосил мўл бўлди. Колхоз республикада биринчи бўлиб ғалла тайёрлаш режасини ошириб бажарди. Хирмонлар, омборлар донга тўлди. Бева-бечораларга дон улашилди. Колхоз республика раҳбариятининг табрикномасини олди. Ўша йили Тошкентдан Ҳалима Носирова бошчилигида бир гуруҳ санъаткорлар Ғузорга келишиб, меҳнат аҳлига катта концерт қўйиб беришди. Ўша кезларда Жума ака ўнга яқин етим-есир болаларни ўз қарамоғига олиб, тарбиялашга киришган эди. Колхоз оёққа турган. Қишлоқда янги ўрта мактаб, болалар боғчаси бинолари қурилди. Уй-жойлар, сўлим боғ-роғлар барпо этилди.

Жума аканинг умр йўлдоши Чинни буви ҳозир тўқсон ёшдалар. Табаррук онахон меҳрибон фарзандлари роҳатини кўряпти. Катта қизи Тошбиби қирқ йил ўқитувчилик қилди. Ўн фарзандли, қаҳрамон она. Айни пайтда фахрийлик гаштини сурмоқда. Ўғил-қизларининг ҳаммаси вояга етишган. Қирқдан ортиқ набира, 65 нафар чевара бор. Бобонинг ўғли Тошмуроднинг бош фарзанди Ўткир Жумаев ХДП вилоят кенгаши аъзоси. Кўп йиллардан бери райондаги «Пачкамар» совхози директори.

Ота-боболар ҳақида сўз кетганда муаллим Тошмурод ака қизиқ гапни айтиб қолди.

— Ўткир отам қўлида тарбияланган. Ҳулқ-одоби, муомаласи ҳам бобосига хос. Шундай эмасми, ўғлим, — дея Тошмурод ака Ўткирга юзланди ва қўшиб қўйди. — Айтганча «васиятнома» ҳам қолдирганлар-а?..

— Жума ака ҳалол, ўзгаларга камарбаста инсон эди, — дея хотирлайди Маҳмуд бобо Темиров. — Бобонгизнинг раислик даврида мен оддий аравакаш эдим. Колхознинг ўз автомашинаси бор эди. Лекин ёқилғи сарф бўлмасин дея кўпроқ аравада, баъзи кунлари пиёда ёки отда юрарди. Айниқса, машинадан шахсий ишда ҳеч фойдаланмасди.

Чинни буви ҳозир севимли набираси Садриддин билан турибди. Жума аканинг инсонийлик фазилатларини тўлиб-тошиб сўзлайди:

— Жуда камтар киши эдилар, — деб хотирлайди у. — Бировнинг ҳаққига ҳиёнат қилмайдиган, беғубор инсон эди. Кўп йил раис бўлиб эгни яхши кийим кўрмаган. Доимо эл ғамида куйиб-пишарди.

Айтишларича, Жума Қосимов ҳалолликни жуда ёқтирган. Такаббурлик, хушомадгўйликни ёмон кўрган. Бизнингча, унинг эл-юрт фаровонлиги йўлидаги кўп йиллик хизмати изсиз йўқолмаслиги керак. Ҳозиргача мактабларимиз, кўчаларимиз ва хўжаликларга ҳеч алоқаси бўлмаган номлар қўйиб келинди. Аслида Жума Қосимов, Мейли Раҳмонов, Майна Ҳасанова сингари Ғузорнинг асл фарзандлари номи ҳар қанча улуғланса арзийди!

М. КАРОМОВ.
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

МИРЗА КАРИМ АСАРИ САҲНАДА

Андижон вилояти Марҳамат район «Парвона» халқ театри Нодирабегим таваллудининг 200 йиллигига бағишлаб ёзувчи Мирза Карим асари асосида саҳналаштирилган «Нодиранинг сўнгги кечаси» деб номланган спектаклини томошабинлар ҳукмига ҳавола этди.

Бухоро Амири Қўқонни ишғол этган таҳликали даврдаги шоиранинг кечинмалари ҳақида ҳикоя қилувчи ушбу саҳна асарини иқтидорли режиссёр Абдумалик Ҳолматов саҳналаштирган. Асар район томошабинларига намойиш этилиши билан бирга шоира таваллудининг 200 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган вилоят бадиий ҳаваскорлари кўригига ҳам тақдим этилади.

С. СИРОЖИДДИНОВ,
Маданият ишлари вазирлиги қошидаги ахборот маркази ходими.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» АХБОРОТ-ТИЖОРАТ ХИЗМАТИ МУШТАРИЙЛАРИМИЗГА ХАБАР ҚИЛАДИ:

АЗИЗ ДЎСТЛАР!

Узоқ-яқиндаги қариндошлар, дўстлар ва биродарлар, таниш-билишларингизни байрамлар, юбилей, тўй ва таваллуд кунлари муносабати билан газетада қутлов эълон қилишни истайсизми?

Меҳнат илғорлари, бир жойда энг кўп йил бенуқсон ишлаганлар, давлат мукофотларига сазовор бўлганлар, ёшларнинг мураббийлари, уруш ва меҳнат фахрийларини корхона, хўжалик ва ташкилотлар номидан газетада суратлари билан табриклаб кўнглини шод қилишни истайсизми?

МАРҲАМАТ, ХИЗМАТИНГИЗГА ҲОЗИРМИЗ

Тошкент шаҳри ва унинг яқин-атрофидан сиз истаган тарзда табрик ва эълонлар матнини тузиш, сурат олиш, бошқа ахборотларингизни қабул қилиш учун ҳузурингизга редакция вакили боради. Сиз овора бўлиб юрмайсиз.

Бемалол телефон қилинг.

«СОТАМАН», «АЛМАШТИРАМАН», «СОТИБ ОЛАМАН», «ИЖАРАГА БЕРАМАН» ВА ҲОКАЗО ЭЪЛОНЛАРГА ГАЗЕТАМИЗ САҲИФАЛАРИ ОЧИҚ.

«ЭНГ ҚУЛАЙ, ЭНГ АРЗОН!»

Бугунги даврий нашрлар ичида эълон бериш учун «Ўзбекистон овози» энг арзон ва энг қулай газетадир. Бошқа жойларда эълонингиз чиқиши ҳафта, ўн кунлаб чўзилса, «Ўзбекистон овози»га бугун берилган эълон эртасига газет юзини кўради.

«Ўзбекистон овози»да чиққан эълон ва билдирувлар Ўрта Осиё ва Қозоғистон минтақасида яшовчи камида 30 миллионлик аҳоли ўртасида тарқалади. Харидор ва мижозларингиз бирданига юз, минг марта ортишига шубҳа йўқ!

Марҳамат, ҳузуримизга келинг, хат ёзинг, қўнғироқ қилинг:



• МАНЗИЛГОҲИМИЗ:

700000, Тошкент—ГСП,
Ленинград кўчаси, 32-уй,
3-қават, 314-ва 346-хоналар.

• ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ:

32-54-14 | 33-65-45 | 33-41-89

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИНИНГ ЖАРЧИНОМАСИ



Уз дун робита

«УЗ ДУН РОБИТА» ЎЗБЕКИСТОН-АМЕРИКА ҚЎШМА КОРХОНАСИ—

БУ ЕР КУРРАСИНИНГ ИСТАЛГАН НУҚТАСИ БИЛАН ЭНГ МУСТАҲКАМ ВА БИР ЗУМДА БОҒЛАНАДИГАН АЛОҚАДИР УЯЛИ РАДИОТЕЛЕФОН— СИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ВА ТЕНГИ ЙЎҚ ЁРДАМЧИНГИЗДИР

Бизнинг манзилгоҳ: 700019, Тошкент шаҳри, Себзор массиви, 19-почта бўлими.
Телефон: 44-32-08
Факс: 40-26-68

● ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

ЖАПАҚ БАХШИНИ ЁД ЭТИБ

● Бердақ номидаги Қорақалпоқ музикали драма театрида миллий музикашунослигимиз асосчиларидан бири Жапақ бахши Шомуродов тавалудининг юз йиллигига бағишланган кеча бўлиб ўтди.

Юбилей кечасида педагогика фанлари доктори, профессор Қабул Мақсетов, Қорақалпоғистон халқ ёзувчилари Жўлмирза Оймирзаев, Т. Қайипберганов, Қорақалпоғистон республикаси маданият ишлари вазири Н. Муҳаммеддиновлар бастакор Жапақ бахши Шомуродовнинг ҳаёт йўли, ижодий фаолияти ҳақида сўзладилар. Жапақ бахши Шомуродовнинг ижодига бевосита дахлдор бўлган «Суймаганга суйкапма» спектакли томошабинларга кўрсатилди.

Жапақ бахши Шомуродов туғилиб ўсган Амударё районидаги Бердақ номли давлат хўжалигида эса мазкур юбилейга бағишланган фестиваль ўтказилди. Тантаналарда олим ва ёзувчилар, шоир ва драматурглар, маданият ходимлари ҳамда Жапақ бахшининг ўғил-қизлари иштирок этишди. Шунингдек, Тошҳовуз, Хоразм вилоятларидан меҳмонлар келишди.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши раиси У. Аширбеков фестиваль қатнашчиларини чин қалбдан табриклади. Тошҳовуз вилояти ҳокими Ўринбосари Қ. Мередова ҳам нутқ сўзлади.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

«МУСТАҚИЛЛИК-МЕНИНГ ИФТИХОРИМ» ФОТОКОНКУРСИГА

Хатни биргаликда ёзамиз... Владимир Молгачев олган сурат.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

● АКС-САДО: И. А. КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ» РИСОЛАСИНИ ЎҚИБ

● ЭРКИН ВОҲИДОВ ИЖОДХОНАСИДА

● ФОТИМА АБДУЛЛАЕВА: ҲАБИБ АБДУЛЛАЕВ ҲАҚИДА ХОТИРАЛАР

● ГАЗЕТХОНЛАР ИЛТИМОСИГА КЎРА «ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» ВА УНГА ЗАМОНАВИЙ ШАРҲ

ФЕЛЬЕТОНЛАР:

● БИР ЖИНОЯТ ИЗИДАН: «КИОСКА ОРТИДАГИ ҚАРОҚЧИЛАР»

● «ҚИЗЛАР БАЗМИДАН ЧИҚҚАН ҚОТИЛЛИК»

● «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН: «СУВГА ЧЎККАН ҚАЙИҚЛАР»

● «СТАЛИННИНГ НОМИ НЕЧТА?»

• *Спорт*

ОММАВИЙЛИК ВА МАҲОРАТ

Ўзбекистон Республикаси меҳнаткашлари биринчи спартакиадаси бошланди

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, оммавийликни таъминлаш, маҳоратли спортчилар сафини кенгайтиришда Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси ўзига хос раҳнамолик кўрсатмоқда. Мустақиллик шароитида элимиз соғлиғи ҳақида ғамхўрлик қилиш давлатимизни иқтисодий жиҳатдан янада мустаҳкамлашнинг муҳим омилларидан саналади. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши билан Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси республика мустақиллигининг бир йиллигига бағишланган меҳнаткашлар, ногиронлар ва ўқувчи ёшлар республика спартакиадасини ташкил этиб, бу борада хайрли иш қилдилар.

Спартакиаданинг очилиши ўзига хос спорт байрамига айланди. Тошкентдаги «Старт» ўйингоҳи ҳар қачонгидан ҳам гавжумлашди. Спартакиаданинг очилишига ҳамма нарса тахтлиги ҳақида рапорт берилгандан кейин Ўзбекистон Республикаси Давлат гимни садолари таралиб, мовий-яшил байроғимиз оҳиста кўтарилди. Шундан кейин Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши раисининг ўринбосари М. Тўлаганова, Ўзбекистон Республикаси Давлат спорт қўмитасининг раиси С. Рўзиев спартакиада қатнашчиларини муборакбод этиб, уларга янгидан-янги зафарлар тилашди. Сўнгра барча вилоятларнинг терма жамоалари саф тортиб ўтдилар. Ўйингоҳ майдони узра бадиий ҳаваскорлар ва спортчиларнинг чиқишлари бошланиб кетди.

Ногирон футболчилардан таркиб топган «Матонат» жамоасининг майдонга тушиши қарсаклар билан кутиб олинди. Икки марта жаҳон кубогини қўлга киритган бу жамоа минглаб томошабинлар олдида сабр-бардош ва иродаларнинг ўзига хос тимсоли экани яна бир бор намоён бўлди. Уларнинг чиқишларидан кейин Аҳмадхўжа Абдулазиз Мақсум ўғли Рашидхўжаев директор бўлиб турган «Жасур» Ўзбекистон—Америка қўшма корхонасидан хайрия тарақасида футболчиларга хорижда тайёрланган таянчасолар совға этилди.

Акробатикачилар, таэквандочилар, тош кўтарувчилар, бадиий гимнастикачиларнинг чиқишлари муҳлисларда яхши таассурот қолдирди. Спартакиада дастури мини-футбол, волейбол, стол тенниси ва оилавий мусобақалардан таркиб топган. Ўзбекистон вилоятларидан келган жамоалар спартакиада ғолиби бўлиши учун қизғин баҳсларга киришиб кетдилар.

Ҳ. НОСИРОВ.



СУРАТЛАРДА: спартакиаданинг очилишидан лавҳалар.

Суратқаш Даврон АҲМАД.

• *Янги китоблар*

«БЕВАФО КЎП ЭКАН...»

Бу иқтидорли шоир Муҳаммад Юсуфнинг навбатдаги китобининг номи. Муҳаммад Юсуф шеърлари ўз ўқувчисини шунчалик тез топдики, улар кундалик турмушимизда, тўй-маъракаларимизда, сайил-сафарларимизда юрагимизга илиқ меҳр, ҳаяжон, ёруғликни бахшида этади. Хонандаларимиз куйлаётган Муҳаммад Юсуф қўшиқларида қадимий саслар, момоларимиз руҳлари, боболаримиз арвоҳлари биз билан сўзлашаётгандай, бизларни ҳар қадамда қўллаб тургандай бир қудратни туясан киши...

Тўпламдаги илк шеър атоқли арбоб ва ёзувчи, элимизнинг улуғ фарзанди Шароф отага бағишланган. Китобча эса шу буюк шахснинг ота макони — Жиззахда чоп этилган.

• *Ажаб савдолар*

«ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИК»

Кейинги пайтда харидор ҳақига ҳиёнат қилиш касаллиги Вобкент райони матлубот жамиятининг айрим ходимларига ҳам юқиб қолган. Район савдо тармоғининг 21 нуқтасида ўтказилган текшириш жараёнида уларнинг олтитасида харидор ҳақидан уриб қолиш, молларни яшириб қўйиш, нархини ошириб сотиш ҳоллари фош этилди.

Жумладан, 43-магазин мудири Х. Аслонов кийимкечак, газмолни сотиш пайтида харидор ҳақидан 8 сўм уриб қолган, 28-магазин мудири Ш. Мирзаев бўлса деярли 9 минг сўмлик тақчил буюмларни пинхона сақлаб келган.

Савдодаги олғирларнинг қилмиши етишмаганидек, айрим вилоятлардаги мутасаддилар ҳам вобкентликлар ризқидан уриб қолишяпти. Чунончи, «Баққоллик» бирлашмасининг вилоят базаси ходимлари йилнинг биринчи чорагида район нон комбинатига ширинликлар тайёрлаш учун белгиланган 17 тонна шакар ўрнига уч тонна шакарни шартномадаги 8 сўм ўрнига 15 сўмдан пуллашди.

«УДДАБУРОН» ТИЖОРАТЧИЛАР

Бухорода қаёққа қадам босманг, тижорат дўконига дуч келасиз. Бу яхши, албатта. Аммо уларнинг айримларида харидор ҳақига хиёнат қилинмоқда. Яқинда шуларнинг ўнтаси текширилганида тенг ярмида савдо қоидалари бузилиши аниқланди.

С. Хожиев директорлик қилаётган «Кафолат» тижорат дўконида савдонинг қўшимча нархини нотўғри ошириш туфайли 37 минг 857 сўм даромад қилингани маълум бўлди. Н. Маърупов сотувчилик қилаётган «Нафосат» кооперативининг дўконида эса тўққиз минг сўмлик кирим қилинмаган буюмлар аниқланди.

Ҳаммасидан ҳам А. Исматовнинг «Шамс» шахсий дўкони ошириб юборди. Шу йил 8 августда олинган 3632 шиша винога ортиқча нарх қўйиб, 22 минг 518 сўм даромад қилди. Оддий бир гугурт сотишда ҳам нарх тафовути деярли 28,5 минг сўмни ташкил қилади.

Давлат назорати ходимлари бундай ҳолларни мунтазам аниқлаб бориб, харидор ҳақига қарши қатъий чораларни кўришмоқда. Масалан Когон кооператив савдо бирлашмаси директори Х. Турсунов район давлат назорати инспекциясининг тавсияси билан ишдан олинди. Вобкентда савдо қоидаларини бузган ходимлар ҳам қаттиқ жазоланди, тижорат дўконларида суиистеъмолликларга йўл қўйган кишиларга жарималар солинди.

Х. ҚОЗОҚОВ,
Бухоро вилояти бўйича давлат назорат бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ДИЁР

TRADING HOUSE — САВДО УЙИ

АГАР СИЗДА ЭРКИН МУОМАЛАДАГИ ВАЛЮТА БЎЛСА ВА СИЗ МАЪҚУЛ НАРХЛАРДА ХОРИЖДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ЭНГ ЯХШИ МОЛЛАРНИ ХАРИД ЭТИШНИ ИСТАСАНГИЗ БУНИНГ УЧУН АЛБАТТА ЧЕТ ЭЛГА БОРИШИНГИЗ ШАРТ ЭМАС

«Ўзбекбирлашув» қошидаги қўшма акционерлик «Диёр» савдо уйи магазинлари сизнинг дидингизга жавоб берадиган кенг кўламда хилма-хил озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларига эга.

«Диёр» ўз имкониятларидан келиб чиқиб, мустақил ҳолда чет эл фирма ва компаниялари билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиб, мижозлар, тадбиркорлар, ишбилармон кишилар, Ўзбекистондаги элчихоналар ва савдо ваколатхоналари хизматчиларининг ҳар қандай буюртмаларини қисқа муддат ичида бажаради.

ҲАҚ — НАҚД ТЎЛАШ ВА ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН ОЛИНАДИ

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Усмон Носир кўчаси, 30 «А» «Диёр» магазини.
Тошкентдаги телефон: 54-19-87.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА АСОСАН 1992 ЙИЛ 1 ОКТЯБРДАН «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНОАТ МУЛКИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА МУВАҚҚАТ НИЗОМ» КУЧГА КИРАДИ

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Патент идораси саноат мулкининг барча турлари (ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари ва мол белгилари)га муҳофаза ҳужжатларини бериш учун буюртмалар қабул қилинишини билдиради.

Мезоний-услубий ҳужжатлар тўплами вилоятларнинг ҳокимиятларига, вазирликлар, идоралар ва ихтирочилар ҳамда рационализаторлар жамиятининг республика тармоғига юборилган.

Тўловларнинг ўлчовлари «Ўзбекистон Республикаси саноат мулкини муҳофаза қилиш тўғрисидаги муваққат низом»да белгиланган.

Патент идорасига тўлов пулларини қуйидаги ҳисобга ўтказиш зарур: Тошкент шаҳридаги Ҳамза саноат қурилиш банкида. Ҳисоб рақами: 100609823, банк коди 172682306.

Буюртмалар Ўзбекистон Республикаси Патент идорасида қабул қилинади.

Манзилгоҳ: 700047, Тошкент шаҳри, Ю. Фучик кўчаси 2-«А» уй.

Маълумот учун телефон: 33-71-68.

Ўзбекистон Республикаси Патент идораси директори:

А. АЗИМОВ.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси ХДП аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат назорати қўмитаси раиси М. Мирқосимовга волидаи муҳтарамалари

МОҲИТОБ аянинг

оламдан ўтганликлари муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ илмгоҳи ва фалсафа кафедраси жамоалари кафедра мудири, Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси, фалсафа фанлари доктори, профессор Х. Пўлатовга онаси, республика аҳамиятига молик нафақадор, меҳнат ветерани

Тожихон ая ПУЛАТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИГА 1993 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

ОБУНА НАРХИ:

УЧ ОЙГА— 96 сўм ЯРИМ ЙИЛГА— 192 сўм БИР ЙИЛГА— 384 сўм

Бош муҳаррир Ш. О УБАЙДУЛЛАЕВ.

● Бизнинг манзилгоҳимиз: 700000, ТОШКЕНТ—ГСП ЛЕНИНГАД КУЧАСИ, 32.
● Мурожаат учун телефонлар: Қабулхона — 32-55-15.
Ахборот тижорат хизмати 32-54-14.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси.
Газета офсет усулида А—2 форматда босилади ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди—22.00.
Г—340. № 191. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.